



РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20961013>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 25-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 27-iyun 2026 yil

KEYWORDS

республика, маҳалла, хавфсиз муҳит, ҳуқуқбузарликлар, барвақт олдини олиш, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси..

ABSTRACT

Мақолада республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Юртимизнинг амалдаги қонунчилигига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бу – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактика-сининг асосий вазифалари эса, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунинг-дек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камай-тириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро

ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан ¹ иборатдир.

Шунингдек, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани², ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига асос бўлмоқда. Хусусан, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятдан бошланади³ ва улар ўз ўрнида ички ишлар органларининг қуйи тизими ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзаллик-лари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгаллиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгаллиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади⁴.

Юқорида мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда қайд этилганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларидан бири бўлган ва ички ишлар органлари томонидан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

² Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

³ **Ермаков А.Г.** Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. - ҚКҚ: Шпр://№№№.Ш88егса1сот/соп1еп1 (мур. вақти: 26.05.2022).

⁴ **Зарипов З.С., Исмаилов И.** Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.

ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси⁵.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари томонидан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси фаолиятида самарадорликка эришиш учун ушбу чора-тадбирларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда ҳар бир чора-тадбирга алоҳида ва тизимли ёндашган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасига доир энг мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқ-бузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузар-ликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқ-бузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлашдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси - ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турларига нисбатан ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек, ҳуқуқ-бузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузар-ликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш ҳамда маъмурий назоратдан иборатдир.

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан амалга оширилади. Суҳбат давомида шахснинг ўзига хос жиҳатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

Профилактика суҳбатини қўллашда ҳамма вақт шахсинг жамиятдаги юриш-туришида криминоген имкониятнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда унинг ўзи буни англаб етишига эришиш муҳим ҳисобланади⁶. Бу борадаги хорижий тажрибага асосланиб, профилактика суҳбатини ўтказиш жойи, вақти ва давомийлиги уни қўллаётган субъект томонидан белгиланиши ҳамда унинг тахминан бир соат давом этиши, бу жараёнда кўргазмали восита ва видеотасвирлардан фойдаланилиши тавсия этилади⁷. Одатда, профилактика суҳбати ўзига нисбатан профилактика суҳбати ўтказиладиган шахсларнинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, профилактика суҳбатини амалга ошираётган ходим профилактика суҳбати давомида шахсинг ўзига хос хусусиятлари (жамиятда, яъни оилада, ўқиш ёки меҳнат жамоаларида тутган ўрни, характери, билими, маълумот даражаси, мутахассислиги, дунёқариши, қизиқиши, эҳтиёжлари, яшашга нисбатан муносабати ва бошқа), унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари (оилавий аҳволи, қаерда яшаши, фаолият тури, оиласи ва ўзининг моддий таъминланганлик даражаси ва бошқа), шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаб-лари ва шарт-шароитлари (моддий эҳтиёж, етишмовчилик, қизиқиш, оиладаги тарбияда йўл қўйилган сусткашлик ёки салбий жисмоний ва маънавий-руҳий таъсирлар ва бошқа)ни аниқлаши ва шундан келиб чиққан ҳолда шахсинг келгусида ижобий томонга ўзгартириш бўйича ишларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Одатда, профилактика суҳбати олиб борилган шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етса ва пушаймон бўлса, ходим профилактика суҳбати билан чегараланади. Аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг моҳиятини англаб етмаса ва пушаймон бўлмаса, шунингдек, ходим аниқланган ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмади деб топса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади. Профилактика суҳбатидан фарқли равишда расмий огоҳлантиришда шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги ёзма равишда тушунтирилиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади. Расмий огоҳлантириш шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ходим расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахсинг иш (ўқиш) жойидаги иш берув-чига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақлиги Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁸ги Қонунининг 31-моддасида белгиланган.

⁶ Энциклопедия современной юридической психологии/Под общей редак. проф. А.М. Столяренко, 2002 г. / [Эл. манба]. – Режим доступа: – URL: <http://determiner.ru/dictionary/993> (мур. вақти: 30.03.2022).

⁷ Павловский А. Профилактика правонарушений на новых основах / [Эл. манба]. - ЦКБ: Ы1ф://8Ши1.ТуЛ1сЪпу]-_ип81/13-ге8рес1-1а№/624 (мур. вақти: 30.03.2022).

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

Мазкур қонун нормасидаги «... шахсинг иш (ўқиш) жойидаги иш берув-чига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли» жумлаларини келгусида шахсга нисбатан қўлланилган расмий огоҳлантиришнинг натижаси ижобий бўлиши учун ҳамда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида «...шахсинг иш (ўқиш) жойидаги иш берув-чига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади» деб ўзгартириш лозим. Мазкур қонун нормасини ўзгартирилиши ўз ўрнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоханг амалга оширилган бўлар эди. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак»⁹.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбир-ларидан яна бири бу – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишдир. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек, уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли эканлиги Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профи-лактикаси тўғрисида»¹⁰ги Қонунининг 32-моддасида белгиланган. Хусусан, мазкур қонун нормасидаги «...хабардор қилишга ҳақли» жумлаларини «...хабардор қилади» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбир-ларидан яна бири бу – ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришдир. Мазкур чора-тадбирларнинг мақсади ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ҳамда ҳуқуқ-бузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш ҳамда ушбу жараёнда уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш юзасидан ишларни амалга оширишдир. Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари ходимлари, хизмат олиб бораётган ҳудудида иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларнинг шахсини аниқлаш, меҳнатга лаёқатли лекин, айни вақтда доимий иш ўрнига эга бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда доимий яшаш жойи бўлмаган ва қаровсиз қолганларни саховат уйларига ва ногиронлиги бўлган шахсларни мурувват уйларига жойлаш-тиришга оид ишларда кўмаклашади. Реабилитация жараёни шахсларга тиббий, касбий ва ижтимоий жихатдан тикланишда ёрдам беради.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши 27.07.2018 <https://president.uz/uz/1914> (07.12.2021 мурожат вақти).

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

Таъкидлаш лозимки, мазкур йўналишдаги энг оғриқли нуқта бу жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришдир. Ички ишлар органлари ходимлари туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказлари билан ушбу йўналишдаги ишларни ўзаро ҳамкорликда ташкил этадилар ва шу ўринда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан яна бири – *профилактик ҳисобга олишдир*. Хусусан, профи-ластик ҳисобга олиш ички ишлар органлари томонидан шахсларга нисбатан уларни ахлоқан тузатиш ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиб, унинг қонун даражасида тартибга солинганлиги эса, ушбу соҳада шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаррар ҳимоя қилинишига хизмат қилади¹¹.

Ички ишлар органлари ходимлари профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг ёши, жинси, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби шахсий хусусиятларини эътиборга олиши мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ҳар бир профилактик ҳисобга олинган шахс билан якка тартибда профи-ластик чора-тадбирларни амалга оширишда ушбу шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Бу эса, у билан амалга оширилаётган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларда тезроқ ўзининг ижобий натижасини беради. Шунингдек, профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни манзилли (муайян шахсга нисбатан), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун ички ишлар органлари ходимлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни доимий юритиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан яна бири бу – *мажбурий даволанишга юборишдир*. Ички ишлар органлари ходимлари соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга, бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш чора-тадбирларини амалга оширадilar. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазкур йўналишни ҳам қамраб олганлигини ва ушбу йўналишда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹¹ Зиёдуллаев М.З., Исаев С.А. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йулида // Қалқон – 2015. – № 1. –Б. 10.

Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹²ги 842 - сон Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»¹³ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мақсади наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»¹⁴ги Қонунида эса, руҳий касаллар билан ишлаш тартиби белгилаб берилди. Ушбу қонуннинг мақсади психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Хусусан, мажбурий даво-ланишга юборишдан мақсад соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган шахсларни ўз вақтида даволаш, яшаш шароитини ўрганиш, улар томонидан жиноят содир этилишини олдини олишдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбир-ларидан яна бири – *маъмурий назоратдир*. Хусусан, ички ишлар орган-ларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлиб, назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади. Мазкур йўналишдаги ишларда ҳам ички ишлар органлари муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимлари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»¹⁵ги ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари судланган шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда тўпланган материалларни маъмурий назорат ўрнатиш масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади. Шунингдек, суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорига асосан маъмурий назоратни амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, маъмурий назоратнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга якка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 842-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

ошириш ва тугатиш асослари, шунингдек, назорат остидаги шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

1. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турлари каби якка тартибдаги профилактиканинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ички ишлар органлари республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида шахсга нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб бораётганда шахснинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиб, шу асосда якка тартибдаги профилактиканинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ўта мураккаб жараён бўлиб, уни амалга ошираётган субъектдан психологик, педагогик, ҳуқуқий, этик ва эстетик соҳаларга доир комплекс билимлар мажмуини талаб этади. Шу билан бирга, профилактик мулоқотга киришишда мантиқ, индукция ва дедукция, анализ ва синтез каби усулларни қўллай олишга оид назарий билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Мазкур фикрлар ва олиб борилган таҳлиллар асосида айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида беш йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият юритаётган, бой амалий тажрибага эга, муомалада киришимли ходимлар томонидан олиб борилиши ўзининг ижобий натижасини беради.